

# МУГАЛЛИМ ХЭМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРҮҮ



ISSN 2181-7138

№ 5 2020 жыл

## Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**  
**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**  
Максет АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Аманжол АЯПОВ  
Өсербай ӘЛЕУОВ  
Байрамбай ӨТЕМУРАТОВ  
Қадирбай БЕКТУРДИЕВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Амангелди КАМАЛОВ  
Сарсен ҚАЗАХБАЕВ  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕИТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Норбек ТАЙЛАКОВ  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Дүстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестиріушілер:**  
**Қарақалпақстан Республикасы**  
**Халық билимлендириу**  
**Министрлиги, ӨЗПИИИ**  
**Қарақалпақстан филиалы**

**Өзбекстан Республикасы**  
**Министрлер Кабинети**  
**жанындағы Жоқарғы**  
**Аттестация Комиссиясы**  
**Президиумының 25.10.2007**  
**жыл (№138) қарары менен**  
**дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз хэм**  
**хабар агентлиги тәрәпинен**  
**2007-жылы 14-февральдан дизимге**  
**алынды №01-044-санлы гууалық**  
**берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,**  
**Ерназар Алакөз көшеси №54**  
**Тел.: 224-23-00**  
**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,**  
**mugallim-pednauk@umail.uz**  
**www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

*Журналға келген мақалаларға жууан қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзіндилер «Мугаллим хэм үзликсиз билимлендириу» журналынан алынды, деп көрсетилуи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледі. Мақалада келтирилген мағлұматларға автор жууанкер.*

# MAЗМУНЫ

## ТИЛ ҲАМ АДЕБИЯТ

<b>Холназаров У.Э.</b> Тоғай Мурод ижодида инсон концептининг метафорик талқини («Ойдинда юрган одамлар» киссаси мисолида) .....	4
<b>Айтбаев Д.Т.</b> Лингвистикадаги дискурс ва матн муносабати .....	6
<b>Акрамова Д.Ш.</b> 9-11-синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда коммуникатив тренинглardan фойдаланиш технологияси .....	10
<b>Қурбонова О.Б.</b> Нутқий компетенцияларни ривожлантиришда машқ ва топшириқнинг аҳамияти .....	14
<b>Саломова Н.А.</b> Малый жанр в творчестве Н.С.Лескова .....	18
<b>Бабаев Э.Т.</b> Мотив ностальгии по родине в литературе русского зарубежья .....	21

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Ашурова Д.Х.</b> Ўзбекистон олий таълим тизимида кредит модуль тизимининг аҳамияти .....	26
<b>Хусанов Н.Б.</b> Тармоқ ўзаро ҳамкорлик шароитида профессионал таълим тизими раҳбар ходимларини коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-методик масалалари .....	29
<b>Шарипова С.Б.</b> Оилавий муносабатларда шахснинг умуммаданий дунёқарашини шакллантиришнинг педагогик имкониятлари .....	34
<b>Абдуманнотов Э.А.</b> 5-9-синф ўқувчиларида мусика туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришнинг дидактик таъминоти .....	38
<b>Нарзикулова Д.</b> Оилада низоларнинг бартараф этишда агрессияни бошқариш тартиби .....	46
<b>Давронова Д.С.</b> Оилавий анъана ва кадрятлар асосида оилада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштиришнинг педагогик имкониятлари .....	50
<b>Хушвақтова Г.Р.</b> Компетенциявий ёндашув асосида оилада миллий тарбияни ташкил этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш омиллари .....	53
<b>Маллаева О.Б.</b> Умумтаълим мактаби инглиз тили ўқитувчиларининг эҳтиёжларга асосланган малака ошириш механизмларини такомиллаштиришнинг педагогик шарт шaroитлари .....	57
<b>Ўқтамова У.С.</b> Талаба - кизларда тазйик ва тажовузга қарши дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик имкониятлари .....	62
<b>Оразымбетов Е.К.</b> Қорақалпоқ шоир-жировлари ижодида ватанпарварлик ғоялари .....	66
<b>Хайдарова Ш.Н.</b> Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини оилавий ҳаётга тайёрлашда муассаса ва маҳалланинг ўзаро ҳамкорлик тамойиллари .....	70
<b>Норбўтаев Х. Б.</b> Биологияни фанлараро ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш йўналишлари ва педагогик жиҳатларини такомиллаштириш .....	74
<b>Имомкулова О.Н.</b> Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг касбий тайёргарлик фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари .....	78
<b>Рахимов О.Д.</b> Миллий мейморчилик контекстида ёшларда эстетик маданиятни шакллантириш тамойиллари .....	81
<b>Джураев Д.У., Жураева М.У.</b> Педагогические особенности организации учебного дела для повышения грамотности русского населения туркестанского края (вторая половина XIX – начало XX века) .....	85

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙҲ, ФИЛОСОФИЯ

<b>Кушакова Г.</b> Бўлажак тарбиячиларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари .....	90
<b>Бердиёрова Ш.А.</b> Синергетик ёндашув асосида маҳаллаларда хотин-қизлар маънавий –маърифий фаоллигини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари .....	92
<b>Ражабов А.</b> Синергетика - фан ва таълимда интегратив ҳолатларнинг методологик асоси сифатида .....	96

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<b>Нурмаханов К.</b> «Geogebra» resursi yordamida analitik geometriya asosida hisoblashlarni bajarish usuli .....	100
<b>Нарбаев А.Б.</b> Астрономия ўқитишда медиатаълимдан фойдаланиш тарихи ва тажрибаси (таҳлилий шарҳ) .....	105
<b>Нурмаханов К.</b> Методические аспекты изложения темы «векторная алгебра» в курсе «аналитическая геометрия» .....	112

## БАСЛАЎИШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТАРБИЯ

<b>Улғабердиева Д.К.</b> Креатив ёндашув асосида мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари эстетик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик мазмуни .....	116
<b>Раҳмонкулова Х.Б.</b> Мактабгача ёшдаги болаларни ўйин фаолияти асосида ахлоқий тарбиялашнинг дидактик имкониятлари .....	120
<b>Ҳайдарова Ш.Н.</b> Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини оилавий ҳаётга тайёрлашда Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросидан фойдаланиш .....	124
<b>Илхомова М.З.</b> Мактабгача таълим ташкилотлари методист-тарбиячиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик мазмуни .....	129
<b>Холиков Ф.К.</b> Катта ва мактабгача ёшдаги болалар жисмоний маданият ва соғломлаштириш фаолиятини ташкил этиш омиллари .....	133
<b>Турапова Ш.Х.</b> Мактабгача ёшдаги болаларни соғлигини сақлаш ва соғломлаштиришда жисмоний тарбия технологияларидан фойдаланиш .....	137
<b>Пардаев Б.У.</b> Бошланғич синф ўқитувчилари ижтимоийлашувини ривожлантириш ташхиси .....	142

## ФИЗИКАЛЫҚ ТАРБИЯ ҲАМ СПОРТ

<b>Хамроев С.С.</b> Ўқувчиларнинг жисмоний маданиятини ривожлантиришда тўғарак машғулотларининг ўрни .....	147
<b>Шомирзаева Н.Х.</b> Жисмоний тарбия йўриқчисининг кичик ёшдаги болаларга ўйин жараёнида бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш компонентларини шакллантириш .....	151
<b>Каримов Д.А.</b> Катта мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний маданият ва соғломлаштириш фаолиятини диагностика қилиш омиллари .....	156



## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ХӘМ РУҶХЫЙЛЫК ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

### БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Кушакова Г.*

*А.Қодирий номи ЖДПИ Мактабгача таълим методикаси кафедраси доцент в.б.*

**Таянч сўзлар:** бўлажак тарбиячилар, толерантлик, тафаккур, шакллантириш, геноцид, расизм, ксенофобия, этноцентризм, экстримизм, терроризм, ижтимоий талаб, инсон ҳуқуқлари, эркинлик, таълим, маънавий, иқтисодий, мафкуравий, демократик, фуқаролик жамияти.

**Ключевые слова:** будущие педагоги, толерантность, мышление, формирование, геноцид, расизм, ксенофобия, этноцентризм, экстремизм, терроризм, социальный спрос, права человека, свобода, образование, духовное, экономическое, идеологическое, демократическое, гражданское общество.

**Key words:** future teachers, tolerance, thinking, shaping, genocide, racism, xenophobia, ethnocentrism, extremism, terrorism, social demand, human rights, freedom, education, spiritual, economic, ideological, democratic, civil society.

XXI асрга келиб дунё миқёсида иқтисодий, ижтимоий, молиявий интеграция ва глобаллашув оқибатидаги инсонлараро ва мафкуралараро зиддиятларнинг ортиши, миллатлар, элатлар, халқлар, маданиятлар, қарашлар, мафкуралар хилма-хиллиги шароитида ўзаро ҳамжихатлик фалсафаси ва маданиятига бўлган талаб кундан кун ортиб бормоқда. 1995 йили 16 ноябрда Париж шаҳрида ЮНЕСКО ташкилотининг 185 давлатлари иштирокида имзоланган «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси»да таъкидланишича, таълим ва тарбия толерантлик тафакқурининг ўрнатилишида энг самарали йўл ҳисобланади. Толерантлик руҳида тарбиялаш - инсон ҳуқуқ ва эркинликларини уларга тушунтиришдан бошланади. Инсонлар ўз ҳуқуқларини билганларидан сўнг ўзгалар ҳуқуқ ва эркинликларига ҳам эътиборли муносабатни эгаллайдилар.

Жаҳонда толерантлик тафакқури инсонни ривожланган демократик ва фуқаролик жамиятида яшашга ўргатиш малакаси сифатида талқин қилинади. Толерантлик геноцид, расизм, ксенофобия, этноцентризм, экстримизм, терроризм каби ёт қараш ва тушунчаларга қарши бўлиб, фалсафий-ижтимоий онг ва тафаккур таркибидан ўрин олади. Толерантлик дунёвий давлатнинг энг зарур ва устувор ижтимоий талаби бўлиб, дунёвий давлат толерантликсиз яшай олмаслиги уқтирилади. Толерантлик – инсоннинг жамиятда турли иқтисодий, маънавий ва мафкуравий, диний муносабатларга киришишининг замонавий қонун-қоидалари мажмуи сифатида талқин қилинади. Шунга қўра, инсонни ривожланган демократик ва фуқаролик жамиятида яшашга ўргатиш - уни толерантликка ўргатишга баробар келади.

Ўзбекистонда ҳамжихатлиликда яшаш маданияти ўзбек халқининг миллий хусусиятларидан бири бўлиб, энг қадимги даврлардан бери мавжуд. зардуштийдик ва ислом фалсафасида бағрикенглик тафакқурини ўзига чуқур сингдирган ижтимоий фаол

инсонни тарбиялаш масаласи устуворлиги тараннум этилади. Хадиси шарифда таъкидланганидек, «Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглр». Шунга кўра, биринчидан, мамлакатимизда толерантлик миллий ғоянинг узвий таркибий қисми қилиб белгиланган. Иккинчидан, толерантлик ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тушунчалар мазмунига киритилган. Учинчидан, толерантлик ёшларни комил инсон қилиб тарбия қилишнинг узвий таркибий қисми бўлиб, бугунги кунда муҳим педагогик вазифа сифатида эътироф этилади.

Толерантлик тафаккури инсонларнинг турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, маънавий, рухий муносабатларини уларнинг миллати, ирки, насли насаби, иқтисодий аҳоли, дини ва этикодида қарамасдан мувозанатда сақлаш меъёрларини аниқлатади. Тарихий шаклланишига кўра толерантлик динларга бўлган ҳолис муносабат, динларни бир-бири устидан устун қўймаслик, уларни ажратмаслик, бир-бирига қарши қўймаслик, инсон диний этикодида хурмат билан қараш, шу билан бирга, бошқа дин ғояларини зўравонлик билан сингдиришга уринмаслик, динсизлар, яъни дахрийлар ҳуқуқларининг хурмат қилиниши каби моҳиятан зарур бўлган ғояларни ўз ичига қамраб олади.

Тарихий жиҳатдан толерантлик инсонларга ёрдам бериш, уларга ҳамдардлик кўрсатиш, уларга фойдали бўла олиш хусусиятлари асосида Шарқ цивилизацияси таркибида шакланган. Қадимги хитой, ҳинд, миср, зардуштийлик маданиятларида шакллантирилган бағрикенглик ғоялари кейинчалик ислом фалсафаси орқали ижодий узлаштирилган. Ислол маданиятининг Ғарб илғор тафаккурига таъсири орқали бағрикенглик Ренессанс даврининг инсонпарварлик ғоялари асосида янгидан шакллантирилган.

Хитой маданиятида толерантлик бировларга нисбатан меҳрли муносабатни қабул қила олиш ва меҳрибон бўла олишликни билдирган. Араб ва мусулмон маданиятида толерантлик «тасамул» тушунчасига мос келиб, кечиримли бўлиш, юмшоқлик, меҳрибонлик, хайрихоҳлик, сабр ва қаноат, бировларга нисбатан хурматли муносабатни аниқлатади. Дунё динлари ичида буддизм толерантликни бировларни хурмат қилиш, меҳрли бўлиш, ўз сўзи устида туриш, бировларга худди ўзидек иззатли бўлиш маъноларини аниқлатади. Конфуцианлик толерантликни «Ўзинга нисбатан хоҳламаган нарсаларни, бировларга ҳам раво кўрма» ақидаси асосига қуради. Ана шундай ғояни христианлик, индуизм, жайнизм ва бошқа диний конфессияларда кўриш мумкин. «Бирортангиз ўз биродарингизни ўзингиздек яхши кўрмасдан туриб, этикодди бўлолмайсиз» деган ақидада ислом динидаги толерантлик тушунчасининг бош мазмуни ётади.

Ўзбекларнинг миллий кадриятлари таркибида энг қадимги даврлардан бошлаб ҳар доим толерантлик, хусусан маданий ва диний бағрикенглик тушунчалари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб олган:

- одамларга уларнинг ёшлар, миллати, ирки, жинси, молиявий аҳоли, насл-насабидан қатъи назар бир хил эътиборли ва иззатли назарда қараш;
- одамларга нисбатан бир хилда хурматда бўлиш муносабатини инсон маданияти ва тарбияланганлигининг муҳим белгиси сифатида баҳолаш;
- «комил инсон» тушунчаси доирасига унинг кенг феъли, ўзгаларга яхши муносабат кўрсата олиши, бошқа динлар ва урф-одатларни хурмат қилишга тайёрлигини киритиш;
- тарихий жараёнларда ҳар вақт ўзга маданиятлар, миллий урф-одатларининг энг яхши томонларини миллий маданиятга сингдириш.

Ўзбек миллатининг этик-эстетик, ахлоқ ва одоб, маънавий ва маърифий, фалсафий кадриятлари тизимида толерантлик ғоялари энг қадимги даврлардан бошлаб

ўзига хос тарзда шакллантирилган. Ўзбекларнинг миллий анъаналарида толерантлик тушунчаси анча кенг ва асосли тарзда тушунтирилган ва авлодлар тарбиясининг муҳим омилларида бири саналган. Толерантлик тушунчасида инсон ахлоқида оид сабр-бардошли бўлиш, ҳурмат, эъзоз, иззат кўрсата олиш, раҳмдиллик, меҳр-мурувват каби сифатлар анъанавий хусусиятга эга бўлган. Толерантликнинг тарихий илдизлари энг қадимги давр «Авесто», «Ўрхун-Энасой битиклари», «Сўғд ёзувлари» каби адабий ёдгорликларда шакллантирилган ва инсон одоби, унинг маънавий-руҳий ақидаларининг зарур талабига айланган. «Каттани ҳурмат қилиш, кичикка иззат билан қараш» ўзбекларнинг миллий ахлоқий талабларидан ҳисобланган.

Тадқиқотда маву юзасидан олиб борилган изланишлар асосида маънавий ва диний бағрикенглик тамойилларининг ўзига хос этик ва эстетик ақидалар тизимида тарихий шаклланиш босқичлари ўзбек халқи миллий қадриятлари тизимида толерантлик тушунчаси таркибига анъанавий тарзда қуйидаги инсоний хислатлар ва тафаккур қирралари киритилганлиги ва шакллантирилганлиги маълум бўлди. Мустақиллик йилларида толерантлик тушунчаси, хусусан диний бағрикенглик баркамол шахс тарбиясининг узвий таркибий қисмига айлантирилди. Баркамол шахсга қаратилган гуманитар ахлоқий сифатлар таркибида толерантлик ва унинг унсурларини ишлаб чиқиш ва талқин қилиш долзарб муаммолардан бирига айланди. Бугунги глобализация шароитида баркамол шахс тарбиясини толерантлик ғояларисиз тасаввур этиб бўлмайдди. Толерантлик ғояларининг илдизи, келиб чиқиш шарт-шароитлари, ҳар бир тарихий даврга хос бўлган унинг хусусиятларини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2017.-48 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: Ўзбекистон. 2017. -56 б.
3. Закруллаев А. Ғоялар кураши. –Т.: Мовароуннахр, 2000. -95 б.
4. Нишонова С. Комил инсон тарбияси. –Т.: Истиқлол. 2003. -224 б.

#### РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бўлажак тарбиячиларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради. Шу билан бирга муаллиф толерантлик тафаккурини шакллантириш ҳозирги кундаги аҳамиятли масалалардан бири эканлигини таъкидлаб ўтади.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются особенности формирования толерантного мышления у будущих педагогов. Вместе с тем, автор подчеркивает, что формирование толерантного мышления является одним из важнейших вопросов сегодняшнего дня.

#### SUMMARY

The article examines the features of the formation of tolerant thinking in future teachers. At the same time, the author emphasizes that the formation of tolerant thinking is one of the most important issues of today.

## СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ АСОСИДА МАҲАЛЛАЛАРДА ХОТИН–ҚИЗЛАР МАЪНАВИЙ –МАЪРИФИЙ ФАОЛЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*Бердиёрова Ш.А.*

*А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти  
мустақил тадқиқотчиси*